



Ким намоз ўқишни унитса, ёдига келиши билан уни ўқисин, бундан бошқа унга каффорат йўқ

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким намоз ўқишни унитса, ёдига келиши билан уни ўқисин, бундан бошқа унга каффорат йўқ: {Ва Мени зикр этиш учун намозни тўкис адо эт} [Тоҳа:14]» -дедилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда ким фарз намозини вақти чиқиб кетгунча эсидан чиқарган бўлса, ёдига тушиши билан уни ўташга шошилмоғи лозим эканини баён қилдилар. Намозни тарк қилиш гуноҳини фақат эслаши билан ўқиш ўчира олади. Аллоҳ таоло ўз китобида: {Мени зикр этиш учун намозни тўкис адо эт}, яъни эсингдан чиқарган намозни уни эслашинг билан ўқи деб марҳамат қилган.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65088>

